**5. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

**6. Алоҳида шартлар**

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати куни билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

**7. Якуний қоидалар**

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 20____ йил _______________ қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 20____ йил 31 декабрга қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши – Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн) календарь кун** ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

## 8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

| **ОПЕРАТОР:**<br>**“Ўзбектелеком” АК**<br>**Самарқанд филиали**<br><br>Манзил: 140103, г.Самарканд,ул.М.Улугбека,92<br>Банк маълумотлари:<br>х/р: 20210000804074838397;<br>СТИР203366731_;<br>МФО:00401; АТБ “Алокабанк”<br>Тел: 11-55;<br>E-mail: samtel@uztelecom.uz_; | **АБОНЕНТ:**<br>**59-son kuzi ojiz bolalar maxsus maktab internati**<br>Манзил: Самарқанд ш. У.Рожабов 30<br>Банк маълумотлари:<br>Х/р: 1000218601840170914000075001.<br>СТИР: 201007807.;<br>МФО: 00014,;<br>Банк номи: Марказий банк ХККМ. Тошк.ш.;<br>Тел: 66 236-46-26;<br>E-mail: _______________. |
|---|---|
| **Оператор номидан:**<br><br>_______________Эшназаров Н.Т<br>/имзо/<br>м.ў.<br><br>O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR "O'ZBEKTELEKOM" AK SAMARQAND FILIALI HUJJATLAR UCHUN | **Абонент номидан:**<br><br>_______________А.Мелиев<br>/имзо/<br><br>O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ... 59-SON KO'ZI OJIZ BOLALAR ... SAMARQAND VILOYATI ... |

Сканировано с CamScanner

2022 йил "18" январь

40829392–сонли абонент шартномасига
1–илова

<u>Кўрсатиладиган хизматлар</u>

**1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар**

Ўлчов бирлиги - Миллий валюта (сўм)

| т/р | Хизматлар номи | ҚҚС билан нархи (миқдори) | Асос | Миқдори | 15% ҚҚС билан Тўлов миқдори, 1 ойлик (сўмда) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| | **I. Бир марталик тўловлар** | | | | |
| 1.2 | Ҳар бир уланиш нуктаси учун рўйхатдан ўтказилган тўлови (FTTx технологияси бўйича) | - | Нархнома | - | - |
| | **II. Ҳар ойлик абонент тўловлари** | | | | |
| | **Тадбиркор-1** тариф режаси бўйича 2 Мб/с тезлигида UZ-IX va TAS-IX Миллий маълумотлар узатиш тармогига кириш, Интернет тармогига уланиш тезлиги, 19:00 дан 00:00 гача 2 Мбит/с Интернет тармогига уланиш тезлиги, 00:00 дан 19:00 гача 0,5 Мбит/с | | | | |
| 2.1 | Абонент тўлови | 240 000,00 | Нархнома | 1 | 240 000,00 |
| | Жами (олдиндан тўлов) | | | | **240 000,00** |

Жами олдиндан тўлов миқдори 240 000,00 (Икки юз кирк минг сўм) сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % миқдорида.

Шартноманинг умумий миқдори 2400000 (Икки миллион тўрт юз минг) сўмни ташкил этади. Ундан 240 000,00 (Икки юз кирк минг сўм) миқдорида ойлик абонент тўлови.

**ОПЕРАТОР:**
**"Ўзбектелеком" АК**
**Самарканд филиали**

**Оператор номидан:**

Директор ____________ /Эшназаров Н.Т./
/имзо/

м.ў.

SAMARQAND FILIALI HUJJATLAR UCHUN
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHRI O'ZBEKTELEKOM AK

**АБОНЕНТ:**
**59-son kuzi ojiz bolalar maxsus maktab internati**

**Абонент номидан:**

____________ А. Исмаев
/имзо/

м.ў.

Сканировано с CamScanner